



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 4 июнь, № 114 (7344)

Сешанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

Нурафшон шаҳрида 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент вилояти фаоллари, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари ўзи бевосита жойларга бориб, раҳбарларни юбориб, энг долзарб масалалар ҳал қилинаётгани, ҳамма жойда ўзгариш бўлаётгани, лекин Тошкент вилояти “уйғонмаётгани”ни таъкидлади.

Вақт шиддат билан ўтапти. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ғанимат. Биз сиёсатни белгилаб, янги-янги имкониятлар яратяпмиз. Мутасаддилар қаттиқ талаб қилиб, қуйи тизимдаги раҳбарлар жон куйдириб ишлаб, натижани таъминлаши керак. Одамлар қуруқ гапни кўтармайди. Тошкент вилоятида эса жонланиш кузатиляпти. Қани рақобат, қани илм, қани натижа, қани ташаббус, дея мурожаат қилди Шавкат Мирзиёев йиғилиш иштирокчиларига.

Катта иқтисодий салоҳият мавжуд бўлгунларча, вилоятдаги резерв ва им-

кониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани, саноат соҳаси ҳанузгача бир нечта йирик корхоналар билан чекланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Бўка, Пскент, Паркент, Охангарон, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Окқўрғон ва Чиноз туманларида аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан 2-3 баробар кам.

Йиғилишда тadbirkorлик ва қишлоқ ҳўжалиги, бандлик, ижтимоий шароитларга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президент Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, янги корхоналар ва иш ўринлари

яратиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 39 триллион 833 миллиард сўмга тенг 784 инвестиция лойиҳасидан иборат янги ҳудудий дастур шакллантирилгани қайд этилди. Уларнинг 15 таси давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳа бўлса, 769 таси хусусий бизнес ва инвесторлар иштирокида амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг 17 фоизи ишламаётгани, Ангрэн шаҳри ва Чиноз туманида бу кўрсаткич 30 — 33 фоизга чиқиб кетгани танқид қилинди. Уларнинг фаолиятини тиклаш, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларга “Ҳар бир оила — тadbirkor” дастури доирасида жорий йилда 350 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича топшириқ берилди. Талаб

бўлса, яна қўшимча маблағ ажратилади.

Нима учун оилавий тadbirkorлик, уйларда паррандачилик, чорвачилик, томорқачилик бўлсин, деямиз? Одамларнинг даромади ошиши, тўлов қобилияти юқори бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

“Ангрэн” эркин иқтисодий зонасида 470 гектар ва “Бўстонлик-фарм”, эркин иқтисодий зонасида 20 гектар майдон ханузгача лойиҳалар билан тўлдирилмаган. Шу сабабли “Ангрэн” эркин иқтисодий зонаси Жанубий Кореянинг “Инчон” эркин иқтисодий зонасига ишончли бошқарувга берилгани маълум қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоят ҳокимининг инвестициялар бўйича ўринбосарига вилоятдаги 20 — 30 тadbirkorни танаб, Корея Респуб-

ликасига хизмат сафарини ташкил этиш вазифаси топширилди. Тadbirkorлар “Инчон” эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан бевосита танишади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятидаги ижтимоий ва коммунал соҳаларга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда аҳолининг атиги 64 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани жиддий муаммо. Бу — ҳисобот кўрсаткичи. Амалда бу рақам 40 — 50 фоиз. Бўка, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлари ва Нурафшон шаҳрида 30 фоизга ҳам бормайди. Шундай шароитда раҳбарлар қандай қилиб кабинетда хотиржам ўтиради, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу муаммони ҳал этиш мақсадида жорий йилда 440 километр ичимлик суви тармоқлари ва 301 сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги 144 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Вилоятда долзарб бўлган яна бир муаммо экология билан боғлиқ. Тошкент шаҳридаги маийши чикндилар ташланадиган Охангарон туманидаги полигон 98 фоизга тўлган. Уни ёпиб, янгисини қуриш керак. Бу тазалик, аҳоли саломатлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари.

Ичимлик суви, оқова тизими объектлари билан бирга умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш, автомобиль йўллари билан боғлиқ муаммоларни тезкор ҳал қилиш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун қўшимча равишда 1 триллион 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши маълум қилинди.

Президентимиз Нурафшон шаҳрида бош режа асосида амалга оширилган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Бу шаҳар 2017 йили Тошкент вилояти маъмурий марказига айлантирилиб, масъул идора ва ташкилотлар шу ерга кўчирилди, уларга зарур шарт-шароит яратилмоқда. Утган йили шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди.

Янги маъмурий марказда аҳоли учун барча шарт-шароитларни яратиш, инфратузилма ва коммуникацияларни янгиллаш, пойтахтимизда бошланган бунёдкорлик жараёнини вилоят марказига ҳам кенг ёйиш мақсадида 246 гектар майдонда “Smart city” қуриш лойиҳалаштирилмоқда.

Тўлиқ “ақли” технологияларга асосланган ушбу “ақли шаҳарча” уч босқичда барпо этилади. Биринчи босқичда жами 1792 квартирани тўққиз ва ўн икки қаватли уйлар қурилади. Янгидан қад ростлайдиган Нурафшон университети ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллашига замин яратса, ёпиқ спорт мажмуасида бадий гимнастика, теннис, кураш ва қиличбозлик каби спорт турлари бўйича йирик мусобақалар ўтказилади.

Шавкат Мирзиёев яқинда пойтахтимиздаги Чилонзор туманининг Богистон кўчасида қурилаётган 9 қаватли уйлар билан танишиш чоғида бундай тураржойларни вилоят марказларида ҳам барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ушбу тавсия асосида Нурафшонда 21 та шундай уй қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Шунингдек, 360 ўринли боғча, 1 200 ўринли мактаб, маданий-маийши объектлар, дам олиш ҳудудлари барпо этилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик, маънавий соҳадаги туб ўзгаришлар замирида азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатлари мужассам.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини янада обод қилиш, янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни барпо этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан кўзланган ягона мақсад — халқимиз фаровонлигини юксалтириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

Мана шундай янгиликларни жараёнида фаол иштирок этаётган фуқароларимиз билан бир қаторда, ҳаёт йўлида адашиб, ҳозирги вақтда аҳолининг тўғри хулоса чиқарган юртдошларимизга мамлакатимиз равнақиға ҳисса қўиши учун яна бир бор имконият бериш — жамиятимизнинг инсонпарварлик ва адолат тамойилларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандлари, ота-онаси, қавму қариндошларининг ҳам келажаги ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Озодликдан маҳрум бўлган киши азиз фарзандларини ўз меҳридан айириб, ота-оналарини ҳам айрилиқ доғига мубтало қилади.

Шу сабабли, хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечирши — юксак инсонпарварлик намунаси бўлиб, у яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш билан баробардир.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида давлатимиз гуманистик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик ва меҳр-оқибат, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг амалий тасдиғи сифатида **«Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»**ги Фармони имзолади.

Мазкур инсонпарварлик акти — давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун ғамҳўрлигининг ёрқин мисолидир.

Зеро, жиноятга қўл урган, боши деворга теккандан сўнг адашганини тушуниб этган одамларни афв этиш — муқаддас динимизнинг ҳам асосий арконларидан бири саналади.

Фармонга мувофиқ, содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **575** нафар фуқаро афв этилди.

Уларнинг **361** нафари жазодан тўлиқ озод қилиниб, ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилади, шунингдек, **214** нафар шахснинг озодликдан маҳрум этиш жазо муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **7** нафарини **60** ёшдан ошган шахслар, **6** нафарини аёллар, **1** нафарини чет эл фуқароси ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Фармонда қайд этганидек, жиноят содир этган шахсларни фақат жазолаш эмас, балки **«Жаҳолатга қарши маърифат»** госяси асосида қайта тарбиялаш, уларнинг ўз ҳалол меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Шунга қўра, Фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига кўмаклашиш юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилди.

ДУНЁ НИГОҲИ

«Ўзбекистон Президентининг қатъий иродаси ва фаол дипломатияси мақсули»


Хорижий оммавий ахборот воситалари Яқин Шарқдаги қуроли моҳаролар ҳудудидан 156 нафар фуқаронинг юртимизга қайтарилганини юксак баҳоламоқда.




Вашингтонда жойлашган “The Defense Post” ахборот-таҳлилий порталида чоп этилган мақолада олиб келинган фуқароларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил этиши, улар алдов йўли билан уруш бўлаётган маконларга тушиб қолгани таъкидланади. Ушбу гуманитар амалиёт инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга тўлиқ риоя этган ҳолда, шунингдек, халқаро гуманитар ҳуқуқнинг меъёр ва тамойилларидан келиб чиқиб амалга оширилгани қайд этилади.



Саудия Арабистонининг “Saudi Gazette” нашрида ёзилишича, мазкур та-




ва ўзбекистонликларнинг ўз Ватанига қайтиши, журналистларнинг фикрича, халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофиға сазовор бўлди.



бўлишича муваффақиятли амалга оширилган гуманитар миссия Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, махсус хизматлари ва бошқа идораларнинг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари самарасидир”, дейилади репортажда.




буси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шахсан топшириғига кўра амалга оширилгани алоҳида таъкидланади.



алоқадор ҳамда терроризм қурбонлари бўлиши мумкин бўлган аёллар ва болаларга ёрдам кўрсатиш мақсади БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2396-резолюцияси билан тасдиқлангани эслатиб ўтилар экан, “Меҳр” операциясини амалга оширишда қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, жумладан, Халқаро Қизил ҳоч кўмитаси ва ЮНИСЕФ томонидан ҳам ёрдам кўрсатилгани айтилади. “Ватанга қайтган фуқаролар самолётдан тушиб келар экан, уларнинг кўпчилиги кўзида ёш билан ўзбек заминини ўлди”, деб ёзилади “EADaily” да.



“EADaily” ахборот-таҳлилий порталида хорижий жангари-террористлар билан




Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.

Шаффоф тизим ва самарали услуб

Бош вазирнинг Тadbirkorлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига ана шундай таъриф берилмоқда.



Бугун тadbirkor бўлиш, мустақил бизнес фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги юртдошларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Зеро, “Ҳар бир оила — тadbirkor”, “Ешлар — келажагимиз” дастурлари ҳудудларда ишбилармонлик ҳаракатининг янги тўлкинини вужудга келтирди.



Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.

ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нурафшон мамлакатимизда шаҳар-созлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда. Бу ердаги шарт-шароит, ижтимоий соҳа объеклари Тошкентдагидан кам бўлмаслиги, аксинча, рақобатлашадиган бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ҳар бир лойиҳани пухта ишлаш, узокни кўзлаб иш тутиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Нурафшонда канализация тармоғи умуман талабга жавоб бермас эди. Мавжуд тозалаш иншооти бутун шаҳарни қамраб ололмади. Шу боис қурилиш давомида муҳандислик коммуникациялари бутунлай янгиланади.

Шаҳарнинг марказий Тошкент йўли қўчаси ҳам янгидан барпо этилмоқда.

Кўча бўйидаги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, сервис шохобчалари, саломатлик марказлари, гипермаркетлар қурилиши бошланган. Ҳар бир бино олдида автомобиль тўхташ жойлари бўлиши кўзда тутилган.

Тўрт полосали магистраль автомобиль йўли билан бирга ички йўл ҳам қуриляпти. Велосипед ва педдалар йўлакчаларига жой ажратилган. Ирригация тармоқлари учун янги турдаги ёпик лотоклар ўрнатилиб, кўча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда.

Тошкент йўли қўчасида тирбандликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг кириш қисмида "Smart city" марказига борадиган янги 4 километрлик кўча қурилиши режалаштирилган.

Айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун 100 гектарлик технопарк яратиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Президентга вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ҳам тақдим қилинди. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида 2022 йилга бориб, вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминлашни даражасини 92 фоизга етказиш имконини берадиган ушбу лойиҳалар учун халқаро молия институтларининг маблағлари жалб этилади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 50 гектар майдонда инновацион савдо мажмуаси қурилиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа

қиймати 50 миллион доллар бўлган мажмуада 5 мингта дўкон жойлашади, 10 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади. 2021 йилда ишга тушириладиган мажмуада ноозик-овқат маҳсулотлари, маиший товарлар, қурилиш материаллари савдоси йўлга қўйилади.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти мамлакатимизнинг муҳим логистика маркази эканини, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуришда ҳудуднинг шу имкониятини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир лойиҳани сифатли ва ўз муддатида амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Матназор ЭЛМУРОДОВ, Ўза махсус мухбирлари.

Депутатлар кўтарган муаммолар ҳал бўляптими?

Маълумки, тегишли кўнун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайловчилари билан учрашиши, шу асосда жойлардаги муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиши белгиланган бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, халқ вакиллари томонидан жорий йилнинг 29 май — 3 июнь кунлари жойларда учрашувлар ўтказилди ва муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Халқ вакиллари — туманларда

Хусусан, кўйи палата депутаты Тўлкин Абдуасаторов Ғаллаорол ва Баҳмал туманларида бўлиб, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш мақсадида аҳоли билан юзма-юз мулоқот ўтказди. Дастлаб, Ғаллаоролдаги Янгиқўрғон қишлоғи аҳолиси шароити ўрганилганда, уй-жой таъминоти, коммунал хизмат кўрсатиш, иссиқлик энергияси, йўл инфратузилмаси, транспорт қатнови каби қатор соҳаларда ечимини куланишга кўнун муаммолар борлиги аён бўлди. Айтилган, бу ердаги 80-умумтаълим мактаби синхоналари таъмирталбалиги ва синф жиҳозлари камлиги, тиббий хизмат қониклари эмаслиги ҳамда қишлоққа туташ кум-шағал аралашмасини майданлаш ва тозалаш ҳақида қишлоқ оқова сув шу ҳолида каналга ташланаётгани депутат эътиборини тортиди. Айни чоғда бу ерда ички йўллар ҳолати яхши эмас ва қишлоқни туман маркази билан боғлаб турувчи транспорт қатнови йўлга қўйилмаган.

Шу қишлоқлик И. Исмаилов ва А. Айтматов тоза ичимлик суви йўлиги, электр энергияси учун мўлжалланган симёғочлар камлиги ва мавжудларини янгисига алмаш-

тириш зарурлиги юзасидан мурожаат қилишди.

Шунингдек, депутат Баҳмал туманидаги "Оқтош" қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлганда, сайловчилар ҳудуддаги симёғочлар яроқсиз ҳолга келиб қолгани, аҳоли жонадорларида электр мунтазам бўлмаслиги, устига устак, бу симёғочлар болалар учун ҳавф туғдираётганини айтишди.

Аслида ушбу қишлоқни ободлаштириш ишлари 2018 йилги "Обод маҳалла" дастурига киритилган бўлиб, 2019 йилнинг июнь ойи ҳам бошлангичи, ишлар ҳануз бажарилмасдан қолиб кетмоқда.

Шунингдек, "Оқтош" МФЙ ҳудудидаги 69-умумтаълим мактабида 42 нафар сайловчи билан суҳбат олиб борилди. Унда ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи Х. Бобоев Мирзаэтаги ва Говхона қишлоқларини боғлаб турган 5 метрлик кўприк яроқсиз бўлиб қолганидан арз қилишди. Бу эса одамларга ноқулайлик туғдиришмоқда. Шу масалани ҳал этиш бўйича 1-сектор раҳбарига мурожаат қилинди. Натижанда қисқа вақт ичида зарур техникалар ажратилиб, таъмирлаш ишларини бошлаш чоралари белгиланди.

Депутат Азамат Пардаев Пахтачи ва Нарпай туманларида сайловчилар билан қатор учрашувларда қатнашди. Пахтачи туманида фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти ва Нарпайда энди қурилган кутубхона ҳамда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Ана шундай мазмунли учрашувлар чоғида кўпалар фуқаролар қаторида Пахтачидаги "Тадбиркор" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи П. Азизовнинг муаммоси ҳам ҳал бўлди.

— Оғир ҳасталикдан сўнг кўл-оёқларим заиф ишлаётгани билан кўнун, — дейди у. — Фарзандларим кўмагисиз жойимдан кўзгала олмай, азият чекардим. Муборак Рамазон ойида депутатимиз ва масъуллар уймага йўлга келиб, менга ногиронлик аравачаси совға қилишди. Бундан жуда қувондим. Энди ўзим бемалол ҳаракатлана оламан.

— Самарқанд шаҳридаги оилавий поликлиникалар, Жомбой туманидаги ҚВНларда бирламчи тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мавжуд ҳолат ўрганилиши, — дейди халқ вакили. — Самарқанд шаҳридаги 5, 9, 11-оилавий поликлиникалар янгидан қўрилиб, тез орада ишга туширилиши режалаштирилган. Қолаверса, ҳудудда кўн қаватли туғариқчи биноларидан бири оилавий поликлиникага мослаб қўрилаётгани аҳоли томонидан илқ кўчиб олинмоқда.

Умуман, учрашувлар асосида шу каби ютуқлар баробарида, жойлардаги хато ва камчиликлар ўрганилди ҳамда уларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Тобижон ЭРҒАШЕВ, Умид СОРИЕВ («Халқ сўзи»).

Халқаро эътироф

БМТнинг «Болалик қачон тугайди?» рейтинг эълон қилинди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Болаларни асранг" фонди "Болалик қачон тугайди?" номли умумжаҳон рейтингини эълон қилди.

Мазкур рейтингда Ўзбекистон 887 балл билан 72-ўринни эгаллаган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 98 балл юқори. Ўзбекистонда бола-

лар соғлиғини яхшилаш ва уларни эрта ўлимдан асраб қолиш учун ижобий ишлар амалга оширилган.

Дунёнинг қолган 176 мамлақати билан солиштирилганда буни ўртача кўрсаткич дейиш мумкин.

Рейтингда Сингапур, Швеция, Финляндия, Норвегия, Словения, Германия, Ирландия,

Италия, Жанубий Корея ва Бельгия энг юқори балл тўплаган. Рўйхатнинг энг пастиди Африка республикалари.

Унда айтилишига кўра, бутун дунё бўйича сўнгги 20 йил ичида болалар ҳаёти сифати анча яхшиланган.

«Халқ сўзи».

Давлат-хусусий шериклиги: Мақсадларни бирлаштирувчи мустаҳкам кўприк

Иқтисодиётда шундай соҳалар борки, улар давлат ва хусусий бизнес вакиллари билан ҳамкорликка эришиш керак. Ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташланса, ҳукумат ва инвестор учрашадиган чорраҳа вазифасини давлат-хусусий шериклиги бажаради. Бу мамлакат иқтисодиёти ривожланиши, инфратузилманинг янгиланиши, қисқаси, таракқиётга туртки бўлиб, бизнес вакили учун яхшигина даромад манбаига айланган. Шу маънода, давлат-хусусий шериклиги манфаатли мақсадларни рўёбга чиқарувчи энг мақбул йўлдир.

Ҳўш, давлат-хусусий шериклиги нима дегани?

Содда қилиб айтганда, бу йирик лойиҳаларни амалга оширишда хусусий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, илғор бошқарув амалиёти жорий қилиш орқали давлат хизматлари сифатини янада яхшилашди. Яъни ҳақиқатда таълим, саноат ва бошқарув ҳолати қилишда ҳукумат ва бизнес вакили ўртасида узок муддатли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик моделидир. Бу усул, жумладан, авто ва темир йўллари, электр станциялари, иссиқлик энергияси таъминоти, шифохоналар, мактаб ва болалар боғчалари, ичимлик ҳамда оқова сувлари, аэропортларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилишда жуда кўп келади. Шу боис охириги 30 йилда айни йўналишдаги ҳамкорлик бутун дунёда кенг оммалашди.

Бунда томонларнинг мажбуриятлари нимадан иборат бўлади, деган савол туғилиши табиий, албат-

орқали онлайн тарзда, жойлардаги кабулхоналар ходимларига бевосита мурожаат қилиб, шунингдек, Савдо-саноат палатаси "Call center" хизматига кўнунроқ орқали йўллашлари мумкин. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда барча туман (шаҳар)ларда Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш кабулхоналари фаолият юритаётган бўлиб, мурожаатлар танаффусиз қабул қилинмоқда.

Учрашувлар давомида мурожаатларни эшитиб, уларнинг аксарияти шаҳар ва туман даражасида ҳал этиладиган масалалар эканлиги маълум бўлмоқда. Янги тизим туфайли адолат оқсмайди, шаффофлик таъминланиб, бизнес ривожланиши.

Дарҳақиқат, келиб тушган масалалар ягона мурожаатлар портали маълумотлар базасида жамланади ва масалаларни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ҳамда ҳал этиш учун тегишли ваколатли ходимлар, ташкилот ва давлат органларига йўналтирилади. Маъсул идоралар томонидан улар қисқа (2 кун) ва ўрта (7 кун) муддатларда кўриб чиқилади.

Лицензия қачон берилади?

Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутасаддиларидан иборат биринчи Республика ишчи гуруҳи вилоятнинг қайси туманида бўлмасин, учрашувлар ишчан кайфиятда, савол-жавобларга бой ўтмоқда. Ўртача

риш учун ЯИМнинг 7,4 фоизи имқдориди, 3,6 миллиард доллар инвестиция талаб этилади. Бунда транспорт, энергетика, ичимлик суви ва санитария соҳаларига кўнунроқ инвестиция жалб қилиш зарур. Демак, бу жараёнда давлат-хусусий шериклиги механизми ҳар икки тараф учун мақбул ва ишончли йўлдир. Яқинда "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун қабул қилинган эса бу жараёнда томонларни бирдек қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади.

Ташкиллаш керакки, агентлик фаолиятини бошлаганида ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда давлат-хусусий шериклиги ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Хусусан "2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси" ҳамда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва замонавий йўл инфратузилмасини яратиш соҳасида давлат-хусусий шериклиги амалга ошириш тўғрисида вақтинчалик низоми" ни ишлаб чиқишда қатнашди. Энг муҳими, агентлик томонидан жорий йилнинг ўзида давлат-хусусий шериклик тамойили асосида умумий қиймати 1 млрд. 660 млн. АҚШ долларлик 15 та лойиҳа ижросига киришди.

Бинобарин, давлат-хусусий шериклиги йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг самарали воситаси, айни чоғда ҳам давлат, ҳам инвесторнинг узок йиллик манфаатларига хизмат қилувчи энг мақбул усулдир.

Ғолиб ХОЛЖИГОВ, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклиги ривожлантириш агентлиги директори.

Кун воқеалари

қисқа сатрларда

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистондаги барча умумтаълим мактабларида "Электрон давомат" тизими босқичма-босқич жорий этилиши кутилмоқда.

Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти курсантлари томонидан Ички ишлар вазирлиги бўлиналари учун яратилган мобиль илованинг тақдироти бўлиб ўтди.

Андихонда "Мехримиз сизга!" акцияси ўтказилди. Унда 900 нафарга ақин ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Тошкент кимё-технология институтида "Очиқ эшиклар кунини" тадбири ташкил этилди.

Ўзбекистон фуқароларини Жанубий Кореяга ишга юбориш бўйича янги тизим тақдироти бўлиб ўтди.

Наманганда "Ҳидоя" ўрта махсус ислом билим юртининг янги куриб битказилган бинолари мажмуаси фойдаланишга топширилди. Қурилиш ва жиҳозлаш ишларига 10 миллиард сўм маблағ сарфланган мажмуа мухташам ва кўркам ўқув биноси, конференция ҳамда спорт залларини ўз ичига олган.

(«Халқ сўзи»).

Шаффоф тизим ва самарали услуб



Савдо-саноат палатаси раиси ҳамда адлия вазири раҳбарлигида ташкил этилган республика ишчи гуруҳлари шу кунларда туманма-туман юриб, аҳоли ва тадбиркорларга мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, қабулхоналарнинг иш фаолияти, мурожаатларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш тартиб-таомиллари ҳақида кенг тушунтириш бермоқда. Бундай учрашувларнинг навбатдаги манзили Қашқадарё вилояти бўлди.

Мурожаатлар танаффусиз қабул қилинмоқда

Савдо-саноат палатаси раиси — Республика ишчи гуруҳи раҳбари А. Икрамов, вилоят ҳокими — худудий ишчи гуруҳи раҳбари Р. Ғаниев ва бошқалар таъкидлаганидек, шу пайтга тадбиркорни қабул қилиш, мурожаатларини кўриб чиқишнинг амалий, шаффоф ва ягона тизими йўқ эди. Оқибатда муаммоларга юзаси қараш,

уларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик каби ҳолатлар учраётган эди. Бу эса одамларнинг ишбилармонлик кайфиятига салбий таъсир қилмасдан қолмайди, албатта.

— Энди бирор-бир мурожаат эътиборсиз қолдирилмади, — дейди Савдо-саноат палатаси раиси — Республика ишчи гуруҳи раҳбари А. Икрамов. — Сабаби, вазият тамомилан ижобий томонга ўзгармоқда. Тадбиркорлар Бош вазирга ўз мурожаатларини жорий йил 1 июндан ишга туширилган **business.gov.uz** мурожаатларни қайд этиш ягона платформаси

Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига ана шундай таъриф берилмоқда.

орқали онлайн тарзда, жойлардаги кабулхоналар ходимларига бевосита мурожаат қилиб, шунингдек, Савдо-саноат палатаси "Call center" хизматига кўнунроқ орқали йўллашлари мумкин. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда барча туман (шаҳар)ларда Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш кабулхоналари фаолият юритаётган бўлиб, мурожаатлар танаффусиз қабул қилинмоқда.

Учрашувлар давомида мурожаатларни эшитиб, уларнинг аксарияти шаҳар ва туман даражасида ҳал этиладиган масалалар эканлиги маълум бўлмоқда. Янги тизим туфайли адолат оқсмайди, шаффофлик таъминланиб, бизнес ривожланиши.

Дарҳақиқат, келиб тушган масалалар ягона мурожаатлар портали маълумотлар базасида жамланади ва масалаларни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ҳамда ҳал этиш учун тегишли ваколатли ходимлар, ташкилот ва давлат органларига йўналтирилади. Маъсул идоралар томонидан улар қисқа (2 кун) ва ўрта (7 кун) муддатларда кўриб чиқилади.

100 дан ортиқ мурожаатлар қабул қилиниб, уларнинг аксариятини имкон қадар жойида ҳал этиш чора-тадбирлари кўриляпти. Бироқ республика даражасида ечилмаган масалалар ҳам учрамоқда. Деҳқонобод туманидаги "Доломит оқтоши" масъулияти чекланган жамияти фаолиятида дуч келинган масала бунга бир мисол.

Жамият раҳбари Норбой Жўраевнинг айтишича, 2011 йилдан буён доломит минерал-хом ашёсини қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона фаолияти тўхтаб турибди. Сабаби, лицензия ололмади.

— Бугунги учрашувда Республика ишчи гуруҳи раҳбари ушбу масалани тез орада ҳал этилишини айтди, — дейди тадбиркор. — Фаолиятимиз қайта йўлга қўйилса, бир қанча кўшимча иш ўринлари яратиб, ишчи ва чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий хом ашё саналган доломит етказиб бериш ҳажминиям кўпайтирамиз.

Қамашилиқ тадбиркор Жуманиёз Жабборов беларуслик инвестор иштирокида қиймати 300 минг АҚШ долларлик лойиҳани амалга ошириш ҳақида. Яъни қўша корхона ташкил этиб, бош қиймлар ишлаб чиқариш ни йўлга қўймоқчи. Муаммо нимада дерсиз? Бунинг учун жой берилмапти. Мазкур масала ўрганилиб, "Қамаши пахта тозалаш заводи" АЖга қарашли, ҳозир бўш турган бинони аукцион савдолари орқали тадбиркорга сотиш бўйича кўрсатмалар берилди.

балансига ўтказолмай сарсон-саргардон юрганини айтади.

— Хусусий богча очаетганларга ўшаб, бир фоизлик кредит ёки оилавий богча ташкил қилаётганлардек мебель жиҳозлари сўраётганим йўқ, — дейди ишбилармон. — Ўзим таъмирлаган бино балансимга ўтказиб берилса бўлди, қолганини эплайман. Фаолиятимни кенгайтириб, 150 ўринли муассасамга айлантириш ниятидман. Чунки ҳудудимизда бирорта ҳам болалар богчаси йўқ.

Шу туманининг Қовчин қишлоғида фаолият юритаётган ёш тадбиркор Оғабек Маратовни ҳам шундай масала қийнаётган экан. У ҳеч қимнинг балансида бўлмаган бинони олиб, нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришни йўлга қўйган. Бироқ мулкни ўз хосибига ололмапти.

Учрашувларда ер-жой, бино-иншоотларга эгалик ҳуқуқини бериш борасида бўлаётган кўпалар мурожаатлар инобатга олинди, ушбу масалани имкон қадар тез ҳал этиш учун масъул идора ва ташкилотлар бириктирилди. Ихро муддатлари аниқ белгилан берилди. Қолган мурожаатлар ҳам Бош вазир қабулхонаси ягона электрон тизимига киритилиб, назоратга олинмоқда.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий таракқиёти, худудлар ривожини, саноат салохияти юксалишида тадбиркорлик ҳаракатининг ролинини ҳеч нима билан қиёслаб, ўнлаб бўлмайди. Шундай экан, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш, ишбилармонларга ҳар томонлама кўмак бериш маҳаллий ҳокимлик органлари ва бошқа ташкилоту идораларнинг қундалик фаолиятига айланмоғи зарур.

Республика ишчи гуруҳларининг учрашувлари тасдиқланган жадвал асосида барча худудда туманма-туман ўтказилмоқда.

Соид РАҲМОНОВ, Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР БОЗОРИ

шакллантирилса, қандай натижа беради?



Жаҳон ер фонди
13,4 миллиард
гектарни ташкил қилгани
ҳолда, унинг атиги
11 фоизи

фойдаланиш учун яроқли экан. Шунинг ўзиёқ ердан оқилона фойдаланиш нақадар долзарблигини яққол кўрсатади. Бу масала глобал аҳамиятта эга бўлиб улгурган. Кўплаб мамлакатларда ер фондини сақлаб қолиш ва унинг таркибини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар кўриляётганининг боиси ҳам шунда.

Долзарб мавзу

учраган, ташлаб кетилган ёки бошқа рекултивацияга муҳтож ерлар кўпайиши каби салбий ҳолатлар учрамоқда. Шу нуқтаи назардан, бу борада халқаро ва хорижий молия-техник кўмак кўрсатуви, шунингдек, донор ташкилотлар маблағларини жалб қилиш билан бирга, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молялаштирилмаган лойиҳа ва дастурлар каторига ушбу салбий ҳолатларни ҳам киритиш ҳамда маъзур маблағлардан қишлоқ хўжалиги корхоналарига узоқ мuddатли имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини жорий қилиш лозим. Негаки, бу ерларнинг деградация натижасида қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетишининг олдини олади. Ундан фойдаланувчиларни рағбатлантириш учун муҳим омилга айланади.

геоботаник ўрганиш ишларини кучайтириш, таъназулга учраган майдонлар сабабларини аниқлаш, фитомелиорация қилиш ҳажми, даражаси бўйича минтақага (районларга) бўлиш, яйловлар сифатини аниқлаш, унумдорлигини ошириш йўллари топиш, махсус рухсатлар бўйича молларни боқиб ҳуқуқини олиш тизимини такомиллаштириш, яйловлар алмашинувини таъминлаш, моллар боқишлиши чекланган ва тақийланган зоналарни белгилаш зарур.

Алоҳида қийматга эга унумдор ерлар чегаралари аниқланиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига мувофиқ муҳофаза қилиниши ва фойдаланишининг алоҳида режими ўрнатилиши, шунингдек, кўп йиллик дарахторлар тупроқларини бонитировкалашининг махсус услубини ишлаб чиқиш керак. Нима учун? Сабаби, ушбу чоралар мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган сиёсатнинг асосларини янада мустаҳкамлаб, самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан бирга, ер муносабатларини тартибга солиш юзасидан ишламаётган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий механизмларни ҳаракатга туширишга ҳам ёрдам беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар бир гектар суғориладиган ерга ўртача 7,1 киши тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир киши 12 кишини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда. Ушбу кўрсаткичлар халқаро меъёрларга нисбатан анча юқоридир. Ялли қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг асосий қисми — 60 фоиздан кўпроғи томорқа ва деҳқон хўжалиқларида, 35 фоиздан зиёددроғи фермер хўжалиқларида тегишли. Шунини инобатга олсак, ташкилий-таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-институционал механизм-

лардаги мавжуд камчиликларни бартаараф этиш орқали ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш истиқболдаги устувор вазифалардан бири сифатида ўз ечимини топиш лозим. Чунки деҳқон ва томорқа ерларининг ташкилий-молиявий муносабатлар тизими тўлиқ қиритилмаганлиги ушбу ерларнинг самарадорлигини ошириш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Қолаверса, ҳозирги пайтда ички ва ташқи бозорда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортиб, бу борада рақобат тобора кучайиб бормоқда. Бироқ томорқа хўжалиқларини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қўриляётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги соҳага натурал ишлаб чиқариш эмас, балки кўпроқ товар ишлаб чиқариш сифатида қарашини, шунга мос равишда уни институционал ислоҳ қилишни талаб қилмоқда. Шу маънода, фермер, томорқа ва деҳқон хўжалиқлари ерларидан фойдаланишни кластерлаштириш, шунингдек, фермер хўжалиги ерларидан фойдаланишининг субижара шаклини жорий қилиш ҳамда деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларига мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, вақтинчалик фойдаланиш амалиёти ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида қишлоқда ер ижараси муносабатлари мазмуни ва қўламини кенгайтиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг сифат жиҳатидан янги босқичга асос солинади. Фермер, томорқа ва деҳқон хўжалиқлари ерларининг бўш туриши ҳамда улардан тўлиқ фойдаланиш холати барҳам топади. Уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва тури кўпайиши қишлоқда барқарор иш жойлари ташкил қилиниши, ишлаб чиқариш инфратузилмалар вужудга келишига сабаб бўлади. Қайд этиш жоизки, бундай тажрибалар кўплаб хорижий давлатларда мавжуд.

КИМ ҚАНДАЙ ЁНДАШМОҚДА?

Хозирги пайтда дунё мексисода деградациялашув натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ерлар ҳажми сезиларли даражада қисқариб бормоқда. Масалан, унинг энг камий Хитой (0,09 га.) ва Мисрға (0,05 га.) тўғри келади. Ушбу масалалар глобал ва худудий жиҳатдан БМТ, ЮНЕСКО, ФАО ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан тартибга солинапти.

Кўплаб давлатларда, хусусан, Бельгия, Германия, Дания, Италия, Францияда ердан фойдаланишни режалаштириш, фермер хўжалиқлари ер майдонларининг максимал ва минимал ўлчамини белгилаб қўйиш, ижара муносабатларини давлат томонидан тартибга солишни кучайтириш, хорижий фуқаролар, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ерлардан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган майдонлардан фойдаланиши фақат ижара ҳуқуқи шартлари асосида амалга оширилишига катта эътибор қаратишмоқда. Фикримизча, бу каби тажрибаларни Ўзбекистонда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ. Сабаби, бугунги кунда юртимизда иқтисодиётнинг инновацион ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида ер ресурсларидан фойдаланишнинг тартибга солиш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бу фермер, деҳқон хўжалиқлари, томорқа ерларини самарали ишлатиш баробарида, маҳсулот тайёрлаш самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, булар мамлакатимизда ер муносабатларини тартибга солишга имкон бериши билан бирга, ер бозори шаклланиши учун шарт-шароитлар яратеди.

Сўнги 18 йил ичида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлар 1,64, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадларга мўлжалланган майдонлар 2,12 марта камайган. Лекин аҳоли пунктлари 1,12, ўрмон ерлари 4,45, сув фонди ерлари 1,35, захира ерлар эса 1,49 мартадан ортиқроқ ошган. Балл бонитети 60 дан юқори бўлган ерлар майдони 10,4 фоиз қисқариб кетган бўлса, ер сифати бўйича ўртача ва ўртадан паст майдонлар 14 фоиз кўпайган.

Хозирги кунда республика қишлоқ хўжалигида 0,02 фоиз ёмон, 17,9 фоиз ўртачадан паст, 53 фоиз ўртача, 27 фоиз яхши ва 2 фоизгина энг яхши ерлар мавжуд. Уларнинг ўртача балл бонитети 55 бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарь, Навоий, Сирдарё ҳамда Қорхазм вилоятлари кўрсаткичлари ўртачадан ҳам паст. Шўрланмиш, чўлланмиш, яйловлар, пичанзорларнинг геоботаник ҳолати ёмонлашуви, шамол ва сув эрозиясига

АНИҚ МАЪЛУМОТЛАР МАВЖУД ЭМАС

Кейинги 30 йил мобайнида республикаимизда лалми ер ва табиий ўтлоқзорларни қайта рўйхатга олиш бўйича мажмууви ишлар олиб борилмаган. Оқибатда, ҳатто, уларнинг микдори тўғрисидаги маълумот ҳам аниқ эмас. Лалми ерларнинг майдони 750 минг гектардан кўпроқ ҳисобланади. Шунинг учун яйлов ва табиий ўтлоқзорларни

ИШЛАР СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯХШИЛАНИШИ МУМКИН

ЮРТИМИЗДА фермерларга ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқларни гаровга олган ҳолда, кредит ажратиш тартиби жорий этилганига қарамастан, бу тартиб, афсуски, амалиётда ўз ўрнини топа олгани йўқ. Шу боис бу тартибни нафақат фермер хўжалиқлари учун, балки деҳқон ва томорқа хўжалиқлари фаолиятига ҳам жорий қилиш аниқ мuddага назаримизда. Шунингдек, ер участкасини хусусийлаштириш, бу жараёни инвестициялаш, ипотека кредитлаш, ерга эгаллик қилиш ва фойдаланишга оид қимматбаҳо қоғозлар билан муомала қилиш тартиб-қоидаларини ҳамда кенг қамровли рағбатлантириш дастакларини жорий этиш ҳам муҳим. Агар маъзур механизм амалиётга киритилса, қишлоқда ер ва мольоз бозорларининг ўзаро интеграциясининг янада кучайиши ҳисобига ривожланиш сифат жи-

ҳатидан янги босқичга чиқиши мумкин. Томорқа ва деҳқон хўжалиқ ерларини вақтинча фойдаланишга (шахсий уй-жойлар жойлашган ердан ташқари) бериш шаклланиши жорий қилиниши муносабати билан банк кредити қайтмаган тақдирда банклар учун маъзур ерларни қайта тақсимлашнинг тушунарли ва самарали механизми яратилади. Ер солиғи бўлган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафаси мустаҳкамланиб, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги ва барқарорлиги таъминланади.

Ўзбекистонда ҳали ер бозори тўлиқ шаклланимаганилиги сабабли ерларни оммавий баҳолашда бозор қийматига мўлжал бўлиб ер участкаларининг кадастр (фискал) қиймати хизмат қилиши лозим. Ривожланган мамлакатларда ернинг нархи бошқа товар ёки капиталга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Жаҳон амалиётда ер баҳосининг ўсиш

суръати инфляция суръатига нисбатан доимо 2-3 марта ва ундан ҳам тез ўсгани кузатилади. Ер ресурсларининг каттагина қисми иқтисодиётни ривожланган давлатларда ҳам бозор товари эмас, давлат ва маҳаллий ҳокимият мулки ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида бундай ерларга қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерларни (суғориладиган ва алоҳида қимматга эга унумдор ерлар) киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган бошқа ерлар эса бозор товари ҳисобланиши мумкин. Ер бозори давлат божқарувининг асосий ва ҳамждор объекти. Аинқас, қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ бўлган олд-сотдилар жиддий бошқарува учрайди.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ер ресурслари ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёт-

Абдурашид АЛТИЕВ,
иқтисодий фанлари доктори.

Матонат

ФАРҒОНАДА

бир йигит бор...

Кўп қаватли уйнинг иккинчи қавати. Саққиз жондан иборат катта бир оилани ўз ичига олган икки хонали ғарибгина хонадон. Уйда қадам қўйишга ҳам жой йўқ. Фарғона шаҳар, Қиргули мавзеси, Янги аср кўчаси, 180-уй, 37-хонадонда истиқомат қилувчи Улуғбек Солиевнинг беш миасида ўсимта пайдо бўлган аниқланиб, жарроҳлик амалиёти ўтказилганига ҳам 16 йил бўлибди.

— Ушанда 13 ёшда эдим, — деб эслайди у. — Жарроҳлик амалиёти ўтказилса тузалиб кетаман, деб ўйлагандим. Тақдир экан, кўзларим кўрмай қолди. Ўзимни-мас, онамни ўйлаб сиқиланам. Ногиронлиги бўлган бир синглим ҳам бор. Юрломайди. Онаминг бу ҳаётда чекаётган машаққатларини ўйлаб ҳаракатдан тўхтамадим.

Қадди расо, қомади алп, баланд бўйли норғул бу йигит қилни қирқ ёрадиган ёшда. Кўзи оқизлигига қарамай, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетига ўз кучи билан ўқишга кирган. Дарсларини диктофонларга ёзиб олиб, диктофон ёрдамида ўқишни давом эттирган, бақалавр дипломини қўлга киритган. Шу тахлит университетнинг магистратурасини ҳам тутган. 2016 йилдан бунён Фарғона шаҳридаги кўзи оқизлар махсус мактаб-интерна-

тида тарих фанидан дарс беради. Бўш вақтларида шеърлар ёзади, кўшиқлар басталайди. — Менинг орзуларим кўзларим кўрмай қолганидан кейин икки баробарга кўпайди, — дейди у. — Брайл алифбосида бадий адабиётлар жуда кам. Агар иложини қилолсам, шу иш билан шуғулланар эдим. Аудио китоблар тайёрлаш ниятим ҳам бор. — Уша куну у тенгдошлари муаммоларини ўрганиб юрган ёшлар ташкилотини томонидан ташкил этилган гуруҳдан у дарс ўтиши учун керак бўлган смартфон сўраган эди. Унинг илтимосини бажара олишмади, лекин ҳолидан ҳабар олишганини дафтарларига қайд қилиб қўйишни унуттигани йўқ.

Улуғбек, халқ қорига ярасам, дейди. Орзулари олам бу йигит ҳақиқий матонат тимсолидир. **Муҳаммад ПИРНАФАСОВА.**

Энди совриндорлар ўз салоҳиятини республика босқичида намоиш қилади

Термиз туманидаги “Отчопар” мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ташаббус — 2019” кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

“Ташаббус — 2019”

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган галдеги танловда худуддаги 69 та тадбиркорлик субъекти қатнашди. Улар томонидан кўрғазмага қўйилган тўқимачилик, тикуччилик, қурилиш саноати, қишлоқ хўжалиги, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар, миллий хунармандлик буюмлари ҳақамлар ҳайъати томонидан муносив баҳоланди. Яқуний натижага қўра, Олтинсой туманидаги “Султон

шарбатлари” МЧЖ раҳбари Икром Султонов “Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, Денов туманидаги “Денов-Дирёбек-транс” МЧЖ раҳбари Махбуба Мирзаева “Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, Денов туманидаги “Меҳнат — фаровон ҳаёт” фермер хўжалиги раҳбари Абдусамд Норбоев “Йилнинг энг яхши фермери”, Бойсун туманидан тадбиркор Санобар Арипова “Йилнинг энг яхши хунарманди” йўналишида голибликни қўлга киритди. Улар танловнинг республика босқичида иштирок этиди.

Илҳом РАҲМАТОВ
(“Халқ сўзи”).

«Asaka» banki aksiyadorlarining umumiy (yillik) yig'ilishi o'tkazilishi to'g'risida axborot

«Asaka» banki (pochta manzili: 100015, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent sh., Nukus ko'chasi, 67-uy) aksiyadorlarining umumiy (yillik) yig'ilishi o'tkazilishi to'g'risida ma'lum qiladi. Aksiyadorlarning umumiy (yillik) yig'ilishi 2019 yilning 26 iyun kuni soat 15.00 da «Asaka» banking bosh ofisida o'tkaziladi. Manzil: Toshkent sh., Nukus ko'chasi, 67-uy.

Kun tartibi:

1. «Asaka» banking 2018 yildagi faoliyati natijalari to'g'risida Bank kengashi hisoboti.
2. Bank boshqaruv raisining 2018 yildagi moliyaviy-xo'jalik faoliyati to'g'risida hisoboti.
3. «Asaka» banking 2018 yildagi faoliyatini tekshirish natijalari bo'yicha tashqi auditorlik hisoboti.
4. «Asaka» banking 2018 yildagi faoliyati to'g'risida taftish komissiyasi hisoboti.
5. «Asaka» banking 2018 yil yakuni bo'yicha yillik hisoboti, buxgalteriya balansi, foyda va zararlar to'g'risidagi hisobotlarini tasdiqlash.
6. «Asaka» banking 2018 yildagi foydasini taqsimlash.
7. «Asaka» banki kengashi a'zolarini saylash.
8. «Asaka» banki taftish komissiyasi a'zolarini saylash.
9. «Asaka» banki boshqaruvi raisi bilan mehnat shartnomasini uzaytirish to'g'risida.
10. «Asaka» banki xodimlari mehnatiga haq to'lash va ularni moddiy rag'batlantirish to'g'risidagi nizom-ga 2-sonli qo'shimchalar va o'zgartirishlarini tasdiqlash.
11. «DEPO-INVEST-TRAST» MCHJning «Asaka» banki korporativ boshqaruv tizimini baholash to'g'risidagi hisobotini tasdiqlash.
12. 2018 yil yakuni bo'yicha «Asaka» banki aktiv operatsiyalarining moliyaviy xatarlarini va stress-testi tahlilini ko'rib chiqish.
13. «Asaka» banking affilangan shaxslari bilan bitimlari ma'qullash.

Aksiyadorlar umumiy (yillik) yig'ilishi o'tkazilishi to'g'risida xabar berish uchun aksiyadorlarning reestrini tuzish sanasi — **2019 yil 4 iyun.**

Aksiyadorlar umumiy (yillik) yig'ilishini o'tkazish uchun aksiyadorlarning reestrini tuzish sanasi — **2019 yil 20 iyun.**

Aksiyadorlarning umumiy (yillik) yig'ilishi kun tartibiga kiritilgan masalalar bo'yicha ma'lumotlar bilan «Asaka» banki bosh ofisida tanishish mumkin.

Manzil: 100015, Toshkent sh., Nukus ko'chasi, 67-uy, tel.: 78-120-82-26, 78-120-82-67.

«Asaka» banki kengashi. **Xizmatlar litsenziyalangan.**

Муносабат Халқимизга хос олижаноблик ифодаси

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, инсон уни бутун умр унутолмайди. Аввал тасаввур ҳам этиб бўлмаган бу эзгулик тақдирларни ўзгартириб юборди, орзуларни рўёбга чиқаради.

Яқинда мамлакатимизда ана шундай тарихий воқеаликка ғувоҳ бўлдик. Адашиб, билиб-билмай Ватанимиздан чиқиб кетган юртдошларимиз — аёллар ва уларнинг болалари Яқин Шарқдаги уруш кетаётган оловли ўчоқлардан, жангарлар лагерларидан Ўзбекистонга олиб келинди. Президентимизнинг ушбу ташаббуси инсонпарварлиқнинг юксак намунаси бўлди.

Биз инсон қадрини улуғлаш, ўзгаларга яхшилик қилиш ҳақида кўп гапирамиз, ёшларни бу эзгу тушунчаларнинг мазмунини англаб, уларни ҳаётини аъмолига айлантириб яшашга даъват этамиз. Лекин буни амалда намоян эшитиш энг самарали тарбия воситасидир. Давлатимиз раҳбарининг шундай улуғ ишга, катта

сабов бўладиган тадбирга муборак Рамазон ойида, кутлуғ Ҳайит айёми арафасида бош бўлганида ҳам катта маъно бор. Зеро, халқимиз ушбу меҳр-оқибат, сабр-қаноат, покланиш ва хайр-саховат ойда сабов ишларга, ўзгаларга яхшилик қилишга доимо интилиб келган. Бу эзгу ишга нафақат халқимиз, балки дунёдаги барча соғлом фикрли инсонлар юксак баҳо берапти. Чунки оғир қисматга дучор бўлган бу болаларда, ёш гўдақларда айб йўқ. Уларга ғамхўрлик қилишимиз, тўғри йўл қўрашимиз, тарбиялашимиз биз, нурунийларнинг, маҳалла аҳлининг, ён-атрофидаги инсонларнинг бурчи, деб биламан.

Бехбуд ЖУМАЕВ,
меҳнат фахрийси.

ЭЪЛОНЛАР

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ
240 т. миқдорда
73x5,5 D насос-компрессор
қувурларини етказиб бериш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун тақлифлар сўрови ўтказилишини маълум қилади

Тақлифлар сўрови № AP-1/19.
Буюртмачи/Ташкилотчи — «ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ.
Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш тартиби — электрон почта орқали e-mail: KBelov@nestro.ru
Тақлифларни бериш тартиби — муҳрланган конвертларда Ўзбекистон, Андижон ш., Алишер Навоий шохқўчаси, 97-«А» манзили бўйича «Андижоннефть» АЖ қўшимча маъмурий биносининг 3-қавати, 6-хона.
Тақлифларни қабул қилиш бошланадиган сана — ушбу хабар чоп этилган кундан бошлаб.
Тақлифларни қабул қилиш тўхтатиладиган сана ва вақт (GMT +5) -12.06.2019 й., соат 12.00.
Мурожаат қилиш учун: Белов Константин Сергеевич, тел.: +7 495 748-64-24, қўш. 3222. E-mail: KBelov@nestro.ru
Ҳожимуродов Баҳром Обидович, тел.: +99891 611-44-33.

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ
3 000 дона насос стангаларини етказиб бериш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун тақлифлар сўрови ўтказилишини маълум қилади

Тақлифлар сўрови № AP-2/19.
Буюртмачи/Ташкилотчи — «ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ.
Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш тартиби — электрон почта орқали e-mail: KBelov@nestro.ru
Тақлифларни бериш тартиби — муҳрланган конвертларда Ўзбекистон, Андижон ш., Алишер Навоий шохқўчаси, 97-«А» манзили бўйича «Андижоннефть» АЖ қўшимча маъмурий биносининг 3-қавати, 6-хона.
Тақлифларни қабул қилиш бошланадиган сана — ушбу хабар чоп этилган кундан бошлаб.
Тақлифларни қабул қилиш тўхтатиладиган сана ва вақт (GMT +5) -12.06.2019 й., соат 12.00.
Мурожаат қилиш учун: Белов Константин Сергеевич, тел.: +7 495 748-64-24, қўш. 3222. E-mail: KBelov@nestro.ru
Ҳожимуродов Баҳром Обидович, тел.: +99891 611-44-33.

«ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ
штангала, чуқурликда ишлайдиган насосларни етказиб бериш бўйича шартнома тузиш ҳуқуқини олиш учун тақлифлар сўрови ўтказилишини маълум қилади

Тақлифлар сўрови № AP-3/19.
Буюртмачи/Ташкилотчи — «ANDIJANPETRO» МЧЖ ҚҚ.
Харид ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиш тартиби — электрон почта орқали e-mail: KBelov@nestro.ru
Тақлифларни бериш тартиби — муҳрланган конвертларда Ўзбекистон, Андижон ш., Алишер Навоий шохқўчаси, 97-«А» манзили бўйича «Андижоннефть» АЖ қўшимча маъмурий биносининг 3-қавати, 6-хона.
Тақлифларни қабул қилиш бошланадиган сана — ушбу хабар чоп этилган кундан бошлаб.
Тақлифларни қабул қилиш тўхтатиладиган сана ва вақт (GMT +5) -12.06.2019 й., соат 12.00.
Мурожаат қилиш учун: Белов Константин Сергеевич, тел.: +7 495 748-64-24, қўш. 3222. E-mail: KBelov@nestro.ru
Ҳожимуродов Баҳром Обидович, тел.: +99891 611-44-33.

ТАЪЛИМ янгиликлари

Президент мактабларининг расмий веб-сайти ишга тушди

pt.xtv.uz — Президент мактабларининг расмий веб-сайтидир. Интернетдаги ушбу саҳифа ҳозир тўлиқ форматда ишламоқда. Мазкур веб-сайт орқали Президент мактаблари фаолияти ва бошқа қизиқтирган саволларга жавоб олиш мумкин.



Сайтда мактабларнинг "Call center" ("Ишонч телефони"), қабул жараёни ва бошқа маълумотлар ҳам ўрин олган.

Шунингдек, мактаб, STEAM таълим, кўшимча имкониятлар, онлайн қабул, топшириладиган ҳужжат-

лар, бўш иш ўринлари, халқ таълимига оид янгиликлардан хабардор бўлишингиз мумкин.

Ижтимоий тармоқлардаги расмий каналлар орқали ҳам янгиликларни мунтазам кузатиб борса бўлади.

Электрон китоб жавони

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида "QR-book" электрон китоб жавони ўрнатилди.

Ҳозир мазкур жавондан 80 дана жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдонаси ўрин олган. Талабалар ўз смартфонлари орқали мазкур китобларнинг электрон нусхасини "QR-код" орқали юклаб олиб, фойдаланиш имконига эга.

Адабиётлардан тўлақонли фойдаланиш учун филиалда bepul Wi-Fi худуди ташкил этилган.

Амалиётга татбиқ қилинган ушбу инновацион лойиҳа талабалар томонидан илиқ кутиб олингани боис, келгусида филиал худудида унинг қамровини кенгайтириш, дам олиш масканлари ва талабалар тураржойларида ҳам "QR-book" электрон китоб жавонларини ўрнатиш режалаштирилган.

Франциянинг машҳур компанияси дастурий таъминотини тақдим этди

Муҳандислик дастурларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи компаниялардан ҳисобланган Франциянинг "Dassault Systemes" компанияси Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига ўзининг Solidworks муҳандислик дастуридан фойдаланиш бўйича икки мингдан ортиқ лицензияларини тақдим қилди.



Ҳозир талабалар университетдаги технопарк ва махсус лабораторияларда 3D мосламаларида айнан "Dassault Systemes Solidworks" муҳандислик дастуридан фойдаланишмоқда.

Мазкур дастур ёрдамида талабалар муҳандислик дастурлари бўйича ўз тажрибаларини кенгайтириш ва янги бозор иқтисодиёти шароитида ўзларининг мутахассис сифатида салоҳиятларини ошириш имкониятига эга бўлади.

Дилмурод СОДИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ҚАРШИДА ЯНА БИР ИНСТИТУТ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 майдаги қарори билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали ташкил этилди. Ушбу таълим муассасасида ўқув жа-

раёни 2019/2020 ўқув йилидан бошланади.

Филиалга қабул қилинадиган талабалар сони ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Муассаса қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун юқори малакали кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашга ихтисослаштирилган.

«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт) юридик шахс мақомига эга ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга куйидаги йўналишлар кўйилади:

1. 2019 йил 4 июль соат 10.00 да

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Жадал сон | Ҳаракат таркиби тури |
|-----|----------------|--|-----------|--------------------------------------|
| 1. | 45A | Бошлиқ мавзеси — Кўйлик М-2 | 9 | Ўрта сифимли автобус (9—12 м.) |
| 2. | 83A | Юнусобод мавзеси, 6-даха — Экскаватор заводи бекати | 9 | Кичик сифимли автобус (7—8.5 м.) |
| 3. | 96A | Юнусобод мавзеси, 9-даха — Истиклол кўчаси | 9 | Ўрта сифимли автобус (9—12 м.) |
| 4. | 106A | Тузель кўргони — Халқаро аэропорт-2 | 9 | Кичик сифимли автобус (7—8.5 м.) |
| 5. | 26A | Янгиобод мавзеси — Юнусобод мавзеси, 6-даха | 6 | Кичик сифимли автобус (7—8.5 м.) |
| 6. | 152A | Янгиобод мавзеси — Юнусобод мавзеси, 19-даха | 8 | Кичик сифимли автобус (7—8.5 м.) |
| 7. | 155A | Гулобод кўчаси — Бахт кўли бекати | 6 | Кичик сифимли автобус (7—8.5 м.) |
| 8. | 146A | Чорсу савдо маркази — Чинни бозори | 8 | Кичик сифимли автобус (7—8.5 м.) |
| 9. | 134M | Ватан кинотеатри бекати — Юнусобод 19-дахаси АШБ | 12 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 10. | 5И | Юнусобод 12-дахаси бекати — 7 шаҳар шифохонаси бекати | 6 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 11. | 167M | Дўстлик 2-мавзеси АШБ — Чилонзор буюм бозори АШБ | 5 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 12. | 46M | Юнусобод 12-мавзеси АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ | 7 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 13. | 163M | Карвон бозори («Иза» мавзеси) бекати — Чилонзор савдо маркази бекати | 8 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 14. | 41M | Кўйлик М-1 АШБ — Тошкент вокзали АШБ | 16 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 15. | 166M | ТТЗ АШБ — Бўз бозор АШБ | 9 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 16. | 166M | Тузель мавзеси бекати — «Дўстлик» метроси АШБ | 10 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 17. | 7И | Дўмбиробод мавзеси — Чилонзор буюм бозори АШБ | 4 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 18. | 14M | Истироҳат маҳалласи — Гулобод кўчаси | 5 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 19. | 14И | Ибн Сино 2-мавзеси АШБ — Чилонзор буюм бозори АШБ | 4 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |
| 20. | 17И | М. Юсуф кўчаси АШБ — Чилонзор буюм бозори АШБ | 8 | Ўрта сифимли микроавтобус (5—6.5 м.) |

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли қарори асосида, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тўхтатилади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «ПРОТЕКА-БАНК» АТБнинг Чилонзор филиалидаги 2021 0000 9007 4500 5051 х/р (МФО 00997, СТИР 202811527, ИФУТ 84112)га 174 минг 505 сўм ўтказилади.

Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган муҳлатдан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Глинка кўчаси, 25-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 71-202-05-01 (308) Ижтимоий тармоқдаги саҳифамиз: www.Facebook.com/tashkentdeprans/ Мурожаатлар учун электрон манзилимиз: tashkentdeprans@mintrans.uz

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Навоий КМК» ДКнинг 2026 йилгача мўлжалланган янги ишлаб чиқариш объектларини электр энергияси билан таъминлаш кафолати бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига биноан, «Ўзэлектртармоқ» УК томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) иштирокида «Навоий» ИЭСдан «Бессопан» 220 кВт подстанциягача 177 км. узунликдаги 500 кВт қувватли электр линияси қурилиши» лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа бўйича экологик ва ижтимоий масалаларни муҳокама этиш мақсадида жамоа эшитувлари ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ушбу жамоа эшитувларида лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш натижалари ва ижтимоий масалаларни муҳокама қилинади.

Жамоа эшитувлари куйидаги манзилларда бўлиб ўтади:

- Навбахор туманидаги «Пахтакор» ва «Янгийўл» МФЙлар учун — 7 июнь кuni соат 10.00 да 22-умумтаълим мактаби биносиди.
- Навбахор туманидаги «Қизилой», «Янгиҳаёт», «Қушқочди» ва «Кескантерак» МФЙлар учун — 7 июнь кuni соат 14.00 да «Кескантерак» дам олиш маскани биносиди.
- Навбахор туманидаги «Буркут» ва «Бешрабат» МФЙлар учун — 7 июнь кuni соат 16.00 да 11-сонли мусиқа мактаби биносиди.
- Навбахор туманидаги «Қалқанота» МФЙ учун — 8 июнь кuni соат 14.00 да 9-умумтаълим мактаби биносиди.

Мулоқот учун масъул шахслар:

Музаффар Аҳмедов, телефон: 95-611-44-07, Сергей Ким, телефон: 90-352-22-29.

«FPI-DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган илҳам, кулай ҳамда камҳаражат мотокультиваторлар, гуруч тазоволчи мослама, шох-шаббаларни майдалайдиган ускуна ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади. «TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисиди ишлайди.



Махсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 71-234-35-71. www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

DOOSAN «TOW Co., Ltd» кўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28. E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15.

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

ПРОФНАСТИЛ

Ишлаб чиқарувчи сизга куйидаги махсулотларни тақдим этади: гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер махсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

- 0,4 мм. — 40 000 сўм/п.м.
- 0,5 мм. — 44 000 сўм/п.м.
- 0,45 мм. — 42 000 сўм/п.м.
- 0,7 мм. — 68 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3003, 3005, 8017, 9003 0,45 мм. — 52 200 сўм/п.м.
- RAL 3005, 6005, 8017 0,5 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Махсулотлар сертификатланган.

Тел.: (+998) 99 535-00-65, (+998) 95 197-00-93, (+998) 99 871-88-99

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 503 нусхадан босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг маълумот берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов. Навбатчи — С. Унаров. Мусаҳҳих — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 22.55 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6